

**ҲАРБИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА  
ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**Зикирова Махпрат Солиевна**

*Мустақил тадқиқотчи*

**КИРИШ**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий армияни ривожлантириш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнда хотин-қизларнинг ҳарбий соҳадаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Улар нафақат тиббиёт, ҳуқуқий хизмат ёки психологик қўллаб-қувватлаш соҳаларида, балки қўмондонлик, стратегик режалаштириш ва жанговар тайёргарлик йўналишларида ҳам ўз салоҳиятини намоён этмоқда.

Мазкур мақоланинг мақсади – ҳарбий хотин-қизлар касбий фаолиятида ватанпарварликни стратегик йўналишлари ва уларни амалга ошириш омилларини таҳлил қилиш ҳамда амалиётда қўлланилишига оид таклифлар беришдан иборат.

Ҳарбий хотин-қизлар касбий фаолиятида ватанпарварлик тушунчасига эътибор берсак, ватанпарварлик — бу шахснинг Ватан тақдирига бефарқ бўлмаслиги, уни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш йўлида фидойилик билан хизмат қилишидир. Хотин-қизлар ҳарбий соҳада бу тушунчани янги маънода бойитади:

- миллий ва давлат манфаатларига садоқат;
- ижтимоий масъулият ва фидойилик;
- маънавий-ахлоқий намуна сифатида ёш авлод учун ибрат бўлиш деганидир.

Мазкур соҳанинг ўз стратегик йўналишлари ҳам мавжуд. Бу учун аввал кадрлар тайёрлаш ва ҳарбий таълим масалаларига эътибор бериш керак. Хотин-қизлар учун ҳарбий академияларда замонавий таълим дастурлари ишлаб чиқилиши муҳим. Бу йўналишда махсус грантлар, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва раҳбарлик лавозимларига аёлларни тайёрлаш масаласи устувор аҳамиятга эга.

Албатта, ҳар қандай соҳа каби, ҳарбий ватанпарварлик учун энг асосий масала бу - Маънавий-ахлоқий тарбия туради. Ҳарбий хотин-қизлар маънавият соҳасида ҳам муҳим миссияга эга. Чунки маънавий баркамол шахсина Ватанга сидқидилдан хизмат қилади, унинг манфаатларини шахсий мақсадлардан устун қўя олади. Ҳарбий хотин-қизлар фаолиятида маънавий-ахлоқий тарбия қуйидаги жиҳатларда муҳим аҳамият касб этади:

1. Фидойилик ва садоқат туйғуси. Хотин-қизларнинг табиатан масъулиятли ва меҳр-шафқатли бўлиши, уларнинг хизматга садоқатини

кучайтиради. Масалан, ҳарбий шифокор аёллар фронт ортида нафақат тиббий ёрдам, балки руҳий қўллаб-қувватлаш орқали ҳам ватанпарварлик намунасини кўрсатган.

2. Маънавий ибрат ва тарбиячи сифатидаги роли. Ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аёллар ўз ҳамкасблари ва ёшлар учун ибрат намунаси ҳисобланади. Масалан, Миллий гвардия сафида хизмат қилаётган хотин-қизлар нафақат жисмоний тайёргарлик, балки маънавий-мафкуравий тарғибот ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.

3. Оила ва хизмат уйғунлиги. Хотин-қизлар оила ва хизматдаги масъулиятни уйғун олиб бориши орқали жамоада соғлом маънавий муҳит яратади. Бу эса армияда интизом, ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлайди.

4. Тарихий ибрат. Миллий тарихимизда Тўмарис, Нодирабегим, Бибихоним каби аёллар давлат ва жамият ҳаётида фаол бўлган. Улар маънавий куч ва иродаси билан халқни бирлаштириб, Ватан муҳофазасида катта хизмат қилган. Бу ибратлар ҳарбий хотин-қизлар тарбиясида асосий маънавий омил ҳисобланади. Уларнинг меҳр-шафқат ва масъулият билан уйғунлашган хизматлари армияда ижобий маънавий муҳит яратади. Шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбияда:

миллий анъана ва қадриятларнинг тикланиши,  
миллий ғурур ва Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш,  
ҳарбий хизматчи шахс сифатида масъулият ҳиссини кучайтириш,  
асосий вазифалар ҳисобланади.

Демак, маънавий-ахлоқий тарбия ҳарбий ватанпарварликнинг асосий устунни бўлиб, у бўлмаса, ҳар қандай ҳуқуқий ёки моддий чора-тадбирлар ўз самарасини тўла бермайди. Шунинг учун давлат сиёсатида маънавий тарбия масаласи барча ислохотлардан устун даражада қаралиши лозим.

Жамиятда тенглик ва гендер сиёсатини таъминлаш учун эса, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар билан кафолатланган. Аммо амалий жиҳатда уларнинг лавозимларда тенг иштирокига тўсқинлик қилаётган стереотиплар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган. Шу боис давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири — ҳарбий хизматда гендер тенгликни таъминлашдир. Ҳарбий хотин-қизлар учун турар-жой, ижтимоий пакетлар, соғлиқни сақлаш ва фарзандлар учун инфратузилмалар билан таъминланиш ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлайди. Бу ҳуқуқий кафолатлар қонунчиликда тўлиқ акс этган ҳолда амалий механизмлар билан таъминланиши зарур.

Навбатда ватанпарварликни амалга ошириш омиллари учун давлат сиёсатига назар ташласак, Ўзбекистон Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларида хотин-қизларнинг ҳарбий соҳадаги фаоллигини оширишга

қаратилган вазифалар белгиланган. Бу давлат сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш деганда, ҳарбий хизматчи хотин-қизлар учун боғчалар, турар-жой дастурлари ва психологик қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилиши уларнинг касбий самарадорлигини оширади.

Албатта мазкур ватанпарварлик ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган ва бугунги кунда у мерос ва миллий қадриятларга айланган. Аёлларнинг Ватан ҳимоясидаги иштироки тарихий анъаналарга эга. Ширак, Томирис, Бибихоним каби тарихий шахслар бугунги ҳарбий хотин-қизлар учун маънавий ибратдир. Армия сафида хотин-қизлар фидойилик ва садоқат билан хизмат қилиши ҳарбий маънавиятни мустаҳкамлайди, жамоавий бирдамлик ва интизомни кучайтиради.

Мазкур соҳанинг Ўзбекистон ва жаҳон тажрибасини қиёсий ўрганадиган бўлсак, Ўзбекистон: Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия тизимида хотин-қизлар сони ортиб бормоқда. Улар қўмондонлик лавозимларида ҳам хизмат қила бошлаган. Исроил: Барча хотин-қизлар учун мажбурий ҳарбий хизмат жорий қилинган. Бу фуқароларда умумий ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. АҚШ: Аёллар армияда қўмондонлик даражаларигача кўтарилаётгани миллий хавфсизлик сиёсатида тенгликнинг таъминланганини кўрсатади. Россия: Ҳарбий тиббиёт ва ҳуқуқий хизматларда хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Бу тажрибалар Ўзбекистон учун ҳам долзарб, айниқса, гендер тенглик ва ҳарбий таълимни ривожлантиришда муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар

Ҳарбий хотин-қизлар касбий фаолиятида ватанпарварликнинг стратегик йўналишлари — кадрлар тайёрлаш, маънавий-ахлоқий тарбия, гендер тенглик ва моддий-ҳуқуқий кафолатлардан иборат. Уларни амалга ошириш омиллари эса давлат сиёсати, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тарихий мерос ва ҳарбий маънавият билан узвий боғлиқ.

Таклифлар:

1. Ҳарбий академияларда хотин-қизлар учун махсус йўналишлар очиш ва раҳбарлик кадрларини тайёрлаш.
2. Ҳарбий қисмларда оилали хотин-қизлар учун ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш.
3. Қонунчиликка гендер тенглик стандартларини тўлиқ интеграция қилиш.
4. Миллий армияда аёллар иштирокини тарғиб қилиш орқали ёш авлодда ватанпарварлик руҳини кучайтириш.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши миллий армиянинг замонавий ривожланиши, хотин-қизларнинг касбий салоҳиятини тўла намоён этиши ва жамиятда маънавий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 3 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Хотин-қизлар ва оила давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
6. Саттаров А. Гендер сиёсат ва ҳарбий хизматда хотин-қизлар. – Т.: Академнашр, 2022.
7. Women in the Military: Global Perspectives. – New York: Routledge, 2020.
8. Israel Defense Forces (IDF) Reports, 2021.
9. US Department of Defense Annual Report on Women in the Armed Forces. – Washington, 2022.